O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 18-avgust • Seshanba • 97 (30.058) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.**




## ИЛМ ЎРГАНИШ, БИЛИМЛИ БЎЛИШ ВАЗИФАМИЗДИР





❖ Таълим тизимидаги ислоҳотлар



Бухоро вилоятининг бир чеккасидаги Қоракўл тумани қайда-ю, Европанинг энг катта шаҳарларидан бири бўлган Берлин қаерда? Дунё аҳолисининг кўпчилиги Берлин қаердалигини билар, Қоракўл тумани сўралганда эса ўйланиб қолади. Яқинда Берлин шаҳрида 104 мамлакатдан келган 600 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар ўртасида математика бўйича 50-халқаро олимпиада ўтказилди. Унда Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг икки ўқувчиси бронза медалига сазовор бўлди. Шундан кейин ҳам одамлар Қоракўл туманини билишмайдими?!

Туман ўқувчиларининг бу муваффақияти Истиқлол шарофати, юртимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг самарасидир. Ҳа, таълим ислоҳотлари натижасида пойтахтимизда, катта шаҳарларимиздагина эмас, чекка қишлоқларимиздаги мактабларимизда ҳам илм ўрганиш учун барча шароитлар муҳайё этилди. Шу боис эндиликда қишлоқ мактаблари ўқувчилари ҳам дунёнинг йирик шаҳарларидан келган тенгдошлари билан халқаро олимпиадаларда тенгма-тенг баҳслаша олади.

Икки дарё орасидаги шу қутлуғ заминда яшаган аждодларимиз азалдан илм ўрганишни ўзларига шараф деб билганлар. «Авесто» китобидаги қуйидаги сўзлар фикримизнинг исботидир: **«Ҳар бир болани шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқиши ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин».**

*(Давоми 4-бетда)*

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Хюг ПЕРНЕ билан суҳбатлашди.**

## Хюг ПЕРНЕ:
## ЎЗБЕКИСТОН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

***— Элчи жаноблари, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида сўзлаб берсангиз.***

— Ўзбекистон билан Франция ўртасида кенг қамровли муносабатлар қарор топган. Изчил ва амалий ҳамкорлик тамойиллари асосига қурилган бу алоқалар юксак самаралар бермоқда. Ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда икки давлат ўртасидаги дўстона муносабат ва кўп жиҳатдан ҳамфикрлик муҳим омил бўлаётир. Франциянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Пьер Лелушнинг жорий йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғидаги учрашувларда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатлар билан бир қаторда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ўзаро ҳамкорликка оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ташриф давомида эришилган келишувлар, шубҳасиз, икки томоннинг имкониятларини янада тўлиқ ва кенгроқ ишга солишга хизмат қилади.

Ўзбекистон — бой маданиятга эга мамлакат. Мамлакатингиздаги Франция маданият маркази икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни янада тараққий эттириш борасида юртингиз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биргаликда ташкил этилаётган кўплаб маданий тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон эзгу мақсад йўлида кенг кўламли ислоҳотларни собитқадамлик билан изчил амалга оширмоқда.

Мамлакатингизда, айниқса, ёшларнинг таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор таҳсинга лойиқ. Ўзбек ёшларининг билим олиш ва тил ўрганишга интилишига, салоҳиятига ҳавас қилса арзийди. Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, ўз йигит-қизларига улкан имкониятлар яратиб бераётган Ўзбекистоннинг тараққиётнинг янги поғоналарини забт этиш борасидаги ислоҳотларини Франция ҳар доим кенг қўллаб-қувватлайди.

***— Яқинда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади...***

— Ҳа, Ўзбекистон халқи қўшалоқ байрам — Истиқлолнинг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибди. Шу муносабат билан пойтахтингизни янада ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўляпмиз. Бу юбилей Тошкентнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошишига хизмат қилаётир. Мазкур санани катта тантана билан нишонлашга тараддуд кўрилаётгани ўзбек халқининг ўз тарихига юксак ҳурматидан далолатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси халқини Франция ҳукумати ва халқи номидан яқинлашиб келаётган Истиқлол байрами ҳамда ўзбек халқи асрий маданиятини ўзида мужассам этган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан чин дилдан муборакбод этаман. Бой тарихга эга шаҳрингизнинг келажаги янада буюк бўлишига ишонаман.

**ЎзА мухбири
Мадина УМАРОВА суҳбатлашди.**

### ▶ Ҳуқуқий ислоҳот

*Мустақиллик — олий неъмат. Миллат учун, давлат учун, мамлакат учун ундан улуғ, ундан азиз, ундан шарафли бахт йўқ. Мустақиллик — аввало ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, ўзимиз ҳақимизда ўзимиз гапириш ҳуқуқидир.*

## САЙЛОВ:
## МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. Айни чоғда Мустақиллик зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти устави талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини юклайди.

Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — навбатдаги икки палатали парламент сайлови арафасида турибмиз. Маълумки, кейинги йилларда юртимизда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистонда Мустақиллик йилларида демократия талабларига жавоб берадиган сайлов тизими яратилгани дунёнинг таниқли сиёсатдонлари томонидан эътироф этилмоқда.

Хўш, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва тамойилларга қай даражада мос келади? Юридик фанлари доктори, профессор **Акмал САИДОВ** билан сайлов бўйича миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар хусусида суҳбатлашдик.

*(Давоми 2-бетда)*

### ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари

## ТАҲЛИЛ, ТАНҚИД, ҲАР БИР МАСАЛАГА СИЁСИЙ ЁНДАШУВ

**партия фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолмоғи лозим, дея таъкидлашди ЎзХДП Фарғона вилоят ташкилоти конференцияси делегатлари**

Шуни очиқ айтиш кераккki, конференция ўз-ўзини танқид ва амалий таклифлар руҳида ўтиши кутилганди. Унда маъруза қилган ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов 2009 йилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг мазмун-моҳияти, дунёда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда унинг Ўзбекистонга таъсири олдини олиш мавзусида олиб борилган тарғибот-тушунтириш ишлари, бу борада қабул қилинган дастурлар ижросидаги партия аъзоларининг иштироки ҳақида батафсил тўхталди.



Ҳозирги кунда вилоятда 900 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатади. Марғилон, Фарғона шаҳарлари, Бувайда, Тошлоқ, Олтиариқ, Учкўприк туманларида уларнинг фаоллиги сезилиб турибди.

— БПТ партия сиёсатини жойларда бевосита юритувчи, тарғиб қилувчи энг муҳим бўғиндир, — деди М.Исоқов. — Шунинг учун ҳам БПТ тўғрисида ҳақиқий маълумотга эга бўлиш, уларнинг фаоллигини ошириш партия учун устувор масала бўлиб қолаверади.

Ҳақ гап айтилди. Бироқ айрим партия кенгашлари бошланғич бўғиндаги сиёсий тадбирларни хўжакўрсинга ўтказиш ҳолларига ҳам йўл қўйди. Бу партия илдизларини қувватсизлаштириш эмасми?

Яна бир муҳим масала. Партия етакчилари ҳаётни кўрган, тажрибали, обрўли сафдошларимиздан сайланмоқда. Лекин Фарғона вилоятидаги БПТ раисларининг жуда оз қисми 45 ёшгача бўлганлар экани мулоҳаза учун мавзу эмасми?



Шу ўринда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини ҳар жиҳатдан кенгайтириш аллақачон заруратга айлангани аён бўлмоқда. Вилоят партия ташкилоти тажрибасида ижобий мисоллар борлигини эътироф этиш билан бирга, ҳали кўплаб шаҳар, туман кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қаноти партиянинг таъсирчан кучи сифатида муносиб ўрин ололмаётганини инкор этиб бўлмайди.

Тажриба ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, партия дастурий вазифаларини амалга оширишда аҳолининг барча қатламига кириб бораётган шаҳар, туман кенгашларида кўзланган мақсадга эришилмоқда. ЎзХДП Бувайда туман кенгаши фаолияти бунга ёрқин мисолдир.

2-бет >

**ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ**
*яқинлашгани сари юраклар ҳаяжонга тўлмоқда*
2



**ЮЗЛАБ НАМОЙИШЧИЛАР**
ваъда бажарилишини талаб қилдилар
3



**ВАДИМ МЕНЬКОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!**
4

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

**Қонун ва шарҳ**

**Маълумки, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари асосида қабул қилинади.**

# НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Конституциямизнинг 100-моддасига кўра, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш, маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролик ҳолати фактларини қайд этишни таъминлаш, норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

Шунингдек, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига кўра, ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболига мўлжалланган дастурларни, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш ҳамда қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорини белгилаш, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига кириши белгилаб қўйилган. Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокими қонунларнинг ҳамда Олий Мажлис палаталари, Президент, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади ҳамда вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари бошқа бир қатор қонунларда ҳам акс этган. Улар жумласига «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Айтиш жоизки, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади. Бундан кўзланган асосий мақсад маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишига эришиш, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, тегишли ҳудудда қонун устуворлигини ўрнатишдан иборат. Айтиш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ҳудудий адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган 150 дан ортиқ қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган.

Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби тўғрисидаги Низомга асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ҳудудий адлия бошқармаларига уларни қабул қилган органлар томонидан қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида қоғоз ва электрон шаклларда юборилади. Тақдим этилган қарорлар ҳудудий адлия бошқармалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳисоби реестрига киритилади. Барча манфаатдор шахслар реестрларда жойлаштирилган маълумотлардан фойдаланишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ушбу қонуннинг 25 ва 26-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади ҳамда агар ҳужжатларнинг ўзида муддати кўрсатилмаган бўлса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Ойбек ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Идоравий меъёрий ҳужжатларни Давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

## ҚУРБОН БЎЛГАНЛАР
### 200 нафарга етди

Афғонистонда НАТО ва халқаро кучлар иштирокида олиб борилаётган жанговар ҳаракатларда қурбон бўлган Буюк Британия ҳарбийлари сони 200 тага етди, дейилади «Associated Press» АА хабарида.



Британия мудофаа вазирининг айтишича, шанба куни портлашдан олган оғир жароҳати туфайли ҳаётдан кўз юмган Уэльс қироллиги иккинчи батальонининг ҳарбий аскари ҳисоб бўйича икки юзинчи йўқотишдир.

Маълумки, ҳозир НАТОнинг контртеррор гуруҳи ва халқаро кучлар Афғонистонда ноқонуний қуролли гуруҳларга, жумладан, «Толибон» ва «Ал-Қоида» жангариларига қарши жанговар ҳаракатлар олиб бормоқда. Аммо Афғонистон жанубида «Толибон» ҳаракати фаолияти анча фаоллашган. Куни кеча улар мамлакатнинг жанубий шаҳар ва қишлоқларига варақалар тарқатган. Унда 20 август куни бўладиган президент сайловида овоз бермасликка даъват этилган.

«AFP» АА хабар беришича, толибонлар сайлов участкаларида террор уюштириш ҳақида очиқ баёнот бермоқдалар. Нима қилиб бўлса-да, сайловни барбод қилиш уларнинг мақсадидир. Ваҳоланки, аввалроқ жанубий музофотларда ҳокимият билан толибонлар ўртасида тинчлик битимига эришилган эди. Бу эса сайлов осойишта ўтказилиши учун имкон бериши керак эди.

Шанба куни толибонлар НАТОнинг Кобулдаги базасига ҳужум уюштирдилар. Террорчи-камикадзе томонидан содир этилган портлаш оқибатида 7 киши ҳаётдан кўз юмди, 91 киши турли даражада тан жароҳати олди.




## МАҲБУСЛАР МУШТЛАШУВИ
### полиция томонидан бостирилди

Мексика шимолидаги қамоқхонада маҳбуслар ўртасида оммавий муштлашув юз берди. Икки гуруҳ ўртасидаги «разбор»дан бошланган бу оммавий муштлашув натижасида 19 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмди, 30 нафари турли даражада тан жароҳати олди.

«Вести» телеканали маълум қилишича, муштлашувни бостириш учун қамоқхона назоратчилари полициядан қўшимча куч жўнатишларини сўради. Шундан сўнггина қамоқхонада назорат ўрнатишга эришилди. Ушбу қамоқхонада гиёҳванд моддалар савдоси ва уюшган жиноятчилик учун маҳкум этилганлар сақланади.



## ЮЗЛАБ НАМОЙИШЧИЛАР
### ваъда бажарилишини талаб қилдилар

Перу президенти Алан Гарсия етакчилигидаги ҳукуматнинг икки йил аввал берган ваъдаси бажарилишини талаб қилиб, юзлаб намойишчилар кўчаларга чиқдилар. Улар Писко шаҳри яқинидан ўтувчи Панамерика магистрал йўлини тўсиб, транспорт ҳаракатини тўхтатиб қўйдилар.

Намойишчилардан бири «Reuters» АА мухбирига берган интервьюсида айтишича, икки йил аввал содир бўлган табиий офат — кучли зилзила оқибатларини тез кунларда бартараф этиш ва янги уй-жойлар қуриш ҳақида президент ва шаҳар мэри аҳолига ваъда берган. Аммо икки йилдирки, ваъда бажарилмаяпти. Бу эса норозиликларни кучайтирмоқда.

Икки йил аввал Писко шаҳрида юз берган зилзила натижасида 500 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган, 37 минг киши бошпанасиз қолган. Улар ҳозирги кунда ҳам чодирларда кун кечирмоқдалар.



**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

SAVDOGAR BANK

# «БАНК — МИЖОЗ» ДАСТУРИ АМАЛДА

Мамлакатимиз молия бозорида мустаҳкам мавқега эга бўлиб бораётган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси мижозларга хизмат кўрсатиш борасида анчагина ижобий натижаларга эришаяпти. Айниқса, кейинги икки-уч йил давомида хизмат турлари кенгайди, фаолият кўрсатиш универсаллашди. Бу борада банкнинг Андижон вилояти филиалида амалга оширилаётган ишлар хусусида алоҳида тўхталса арзийди.

Банк филиали вилоятдаги 685 дан ортиқ юридик шахс мақомини олган ташкилот ва корхоналарга ҳамда 3400 нафар жисмоний шахсларга молиявий хизмат кўрсатмоқда. Мижозларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозаларига етказиш мақсадида филиал жамоаси дунёнинг қатор нуфузли молия муассасалари тажрибасидан ҳам унумли фойдаланмоқда. Шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида пул ўтказишда катта тажрибага эга бўлган АҚШнинг «Вестерн Юнион» хизматидан фойдаланиш имконини яратди. Тезкор пул ўтказиш шохобчаларида «Вестерн Юнион», «Анелик», «Контакт», «Интер экспресс», «Мигом» каби пул ўтказмалари турлари ҳам мавжудки, булар орқали мижозларга хорижий валютада маблағ ўтказиш ёки қабул қилиш имконияти яратилмоқда.

Сўнгги йилларда банк корпоратив мижозлар билан муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтди. Бу борадаги иш услуби ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув ҳамда аниқ тизимли банк хизматларини таклиф этишдан иборат. Ҳар бир мижознинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини имкон қадар қондириш, фаолиятининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорлик — банкнинг ҳам корпоратив, ҳам хусусий мижозлар билан ишлашдаги асосий тамойилларидир.

Мижозлар билан ишлаш услубларини мунтазам такомиллаштириш ва банк хизматларининг энг замонавий илғор шаклларини амалиётга жорий этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар катта самара бермоқда. Пул маблағларини бошқариш тезкорлигини ошириш, ҳисоб-китобларни сифатли ўтказиш, вақтни тежаш мақсадида «Банк — мижоз» дастури кенг қўлланилмоқда. Натижада мижозлар сони йилдан-йилга ортиб, бу кўрсаткич ярим йил якуни бўйича тўрт мингдан ошиб кетди. Бугунги кунда банк филиали кенг доирадаги мижозлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Улар орасида йирик саноат корхоналари, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари мавжуд.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг муҳим бўғинларидан бири эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Жорий йилнинг ўтган ярим йили ичида банк филиали томонидан кўплаб тадбиркорларга кредит ажратиб берилди. Кичик бизнес субъектларига жами 407,4 миллион сўм миқдоридаги кредитлар ажратиб берилган бўлса, шундан саноатга 184,1 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 33 млн. сўм, савдо-воситачилик фаолиятига 169,3 млн. сўм, қурилишга 8 млн. сўм, маиший хизматга 13 млн. сўм тақдим этилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига уч юздан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланди. Масалан, Андижон шаҳрида фаолият юритаётган «Феррари транс» маъсулияти чекланган жамиятни олайлик. «Савдогарбанк» Андижон вилоят филиалининг мижози бўлган мазкур корхона асосан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. 2007 йили ўз фаолиятини янада кенгайтиришга қарор қилиб, янги замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида банкка мурожаат қилишди. Бунинг учун эллик миллион сўм кредит сўрашди. Банк ходимлари эса, ҳисоб-китобни тезда амалга ошириб, керакли кредитни ажратиб берди. Айни пайтда корхона жамоаси автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳасида анча илгарилаб кетди. Яъни, унинг мижозлари кўпайди. Банкдан олинган кредит эса мунтазам равишда сўндириб борилаяпти. Устига-устак, жамиятда ўн бешта янги иш ўрни вужудга келди.

— Қурилиш материалларини тайёрлаб, аҳолига ва турли ташкилотларга етказиб бериш билан шуғулланамиз,- дейди Хўжаобод туманида жойлашган «Мундуз» ғишт ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Баҳромжон Каримов.

— Маҳсулотларимизга талаб тобора ошиб бормоқда. Негаки, кейинги йилларда вилоятда бунёдкорлик ишлари авж олиб кетди. Одамлар уй-жой шароитларини яхшилаб олишга ҳаракат қилишаётир. Шу боис харидорлар талабини қондириш учун корхонани янада кенгайтиришга, маҳсулот сони ва сифатини оширишга киришдик. Ўтган йили банкнинг вилоят филиалидан ўттиз миллион сўм кредит олгандик. Ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, ҳам ўнта янги иш ўрни яратилди. Яқинда банкдан яна 60 миллион сўм кредит олдик. Ишлаб чиқариш янада кенгайди. Айни пайтда 20 та янги иш ўрни ҳам очилди.

Олтинкўл туманида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Холмурод Тошматов мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун банкдан 20 млн. сўм кредит олди.

Президентимизнинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан банк филиали томонидан 36,0 млн. сўм кредит маблағ ажратилган. Масалан, Андижон шаҳрида яшовчи Улуғбек Сатторов раҳбарлик қилаётган «Анд Халол Замин» хусусий корхонасига 1 йил муддатга 11,0 млн. сўм ажратилди. Корхона тез орада нон ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. 5 киши ишли бўлди. Олтинкўллик хусусий тадбиркор Йигитали Тошлановга 2 йил муддатга 14 млн. сўм паррандачилик фаолиятини ривожлантириш учун кредит маблағи ажратилди. Андижон туманидаги Дилмуроджон Жамбаев раҳбарлик қилаётган «Қандолат Интер» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасига 1 йил муддатга 20,0 млн. сўм кредит маблағи аҳолига умумий овқатланиш хизмати фаолиятини ривожлантириш учун ажратилди, натижада 4 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Банк филиали томонидан берилган кредитлардан аҳоли катта манфаат кўрмоқда. Яъни улар ўзларининг иш фаолиятларини ривожлантирмоқда, айланма маблағларни тўлдириб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашмоқда.

Эндиликда ҳар бир мижозга манфаатли банк хизматлари таклиф этилиб, оилаларга муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш, аҳолининг ишончини қозониш соҳа ходимларининг кундалик вазифасига айланиб қолган. Ҳозир айни ёз. Тўйлар мавсуми. Кўплаб ёш оилалар бунёдга келмоқда. Уларга мебель ёки телевизор, магнитофон ва бошқа жиҳоз ёки замонавий техника зарур. Банкка мурожаат қилаётган бу ёшларга истеъмол ва ипотека кредитлари берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан бу соҳада ҳам анчагина ишлар қилинди. Банк томонидан 3400 дона пластик карточка йигирмадан ортиқ бюджет ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига тарқатилиб, 31 та терминал савдо корхоналарига, аҳоли гавжум жойларга ўрнатилди. Жорий йилнинг олти ойи давомида улар орқали жами 558 миллион 165 минг сўмлик транзакциялар амалга оширилди. Бунинг 129 миллион 794 минг сўмини иш ҳақи ва 428 миллион 371 минг сўмини савдо транзакциялари ташкил этади.

Банк филиали томонидан нақд пул тушумларини кўпайтириш, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Андижон шаҳрида 11 та «Пайнет» ва «Суперкасса» тўлов тизимида ишловчи банк шохобчалари ташкил этилиб, 11 киши иш билан таъминланди. Бу шохобчалар орқали ўтган олти ой давомида 95 миллион 500,0 минг сўм нақд пул тушумлари банк кассасига кирим қилишга эришилди.

Шунингдек, банк филиалидаги мавжуд «Вестерн Юнион», «Мигом», «Контакт», «Интерэкспресс», «Анелик» халқаро пул ўтказиш тизимларининг 3 та шохобчаси орқали ўтган олти ойда 4206 нафардан ортиқ фуқарога 1 млн. 834,4 минг АҚШ доллари миқдорида валюта маблағлари тарқатилган.

Президентнинг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан банк филиалида ишонч телефонлари ташкил этилиб, мунтазам ишлаб турибди. Ҳозирги кунда банк филиалида «Фаровон ҳаёт», «Ривож», «Тараққиёт», «Мадад», «Эгаси номи кўрсатилмаган» юқори фоизли омонат турлари мавжуд. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини муддатли омонатларга жалб қилиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, халқ хўжалигининг барча соҳаларига хизмат қилаётган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик-тижорат банки Андижон вилояти филиали жамоасининг нияти — ишончли ва кафолатли хизмат кўрсатиб, мижозлар қалбига йўл топиш.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

t

# ИЛМ ЎРГАНИШ, БИЛИМЛИ БЎЛИШ ВАЗИФАМИЗДИР

Тарих — энг улуғ устоз, деб бежиз ёзишмайди. Милоддан аввалги 329-327 йилларга бағишланган юнон тарихчиларининг битикларига назар ташлаймиз. Муқаддас юртимизга бостириб кирган Александр Македонский билан мулоқот қилиш учун скиф қабиласи оқсоқоллари келади. Ўртада қизғин суҳбат боради. Суҳбат давомида бутун дунёга донғи кетган улуғ файласуф Аристотел (Арасту)-нинг энг иқтидорли шогирди ҳисобланган Александр Македонский ҳам скиф оқсоқоллари донишмандлигидан ҳайрон қолади, уларга тан беради ва шаштидан тушади.

Ҳа, халқимизнинг донишмандлари дунёни теран ақл-заковати билан ҳайратга солган. Алломалар алломаси бўлган Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Кошғарий, Мирзо Улуғбек каби боболаримизни эслайлик. Уларнинг ҳар бири ўзи бир олам. Асрлар ўтаверади, авлодлар ўрнига янги авлодлар келади. Улар ҳам ота-боболаримиздай илм ўрганишни олий мақсад санашади. Чунки Абу Райҳон Беруний таъкидлагандай: **«Илм ҳар нарсадан юқори, ҳеч нарса ундан юқори бўла олмайди. Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир».**



Олис тарихдан қайтиб, йигирманчи аср бошларидаги маърифатпарвар боболаримизни ҳам эсга олайлик. Уларнинг ҳам олий мақсади халқимизни маърифатлиларнинг пешқадами сафида кўриш бўлган. Ўша даврда Абдулла Авлоний айтган қуйидаги даъват ҳар биримизга ёд бўлиб кетган: **«Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир».**

Афсуски, кейин мамлакатимизда дунёга буюк алломаларни тарбиялаб берган халқимизни саводсизга чиқарган, ўзи эса ҳаммани саводсизлик сари етаклайдиган номаъқул маориф тизимини жорий этган тузум ҳукмронлик қилди. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтиришимиз жоиз: **«Бизга собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп ҳолларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Аксарият ёшлар ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, кўпроқ амалда дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди».**

Шу боис Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда таълим ислоҳотлари бошланди. Таълим ислоҳоти давлатнинг устувор вазифалари қаторига кўтарилди. Негаки, **«келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ».**

Узоқ тайёргарлик, чуқур фикр-мулоҳазалардан кейин юртимизда шу соҳанинг туб ислоҳотига асос бўладиган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатлар ва улардан кейин шу соҳага оид қабул қилинган ҳукумат дастури ва қарорлари мамлакатимизда таълим ислоҳотларининг жадал боришига шарт-шароит яратди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ҳужжатларда юртимиздаги барча мактабнинг қайсиси қайта қурилиши, қайси бирларининг капитал реконструкциядан чиқарилиши ва ҳамма мактабнинг замонавий ўқув воситалари билан жиҳозланиши, дарсликларнинг янги авлоди, кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланиши, ўқитувчи-мураббийлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш белгиланган. Бунда мусиқа, санъат, спорт, иқтидорли ўқувчилар мактабларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган.

Бизнинг таълим соҳамизда янги бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг намунавий лойиҳаси Президентимиз томонидан тасдиқлаб берилди. Академик лицейлар йўналишини белгилашда, касб-ҳунар коллежларини очишда халқ хўжалигида талаб қилинаётган мутахассисликларни тайёрлашга эътибор қаратилди. Олий ўқув юртларини ислоҳ этишда ҳам шу мезонлар асосида ёндашилди. Хуллас, юртимиздаги барча ўқув масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, ўқувчи-талабаларга малакали мутахассисларнинг замонавий андозалар асосида етарли билим беришлари учун шарт-шароит яратилди.

Ўтган йилларда таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг ҳаммасини бир мақолада қамраб олиш мумкин эмас. Бироқ бу ишлар кўламини кўз олдингизга келтиришингиз учун айрим рақамларни эслашимиз даркор. Биргина 2008 йилнинг ўзида 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-ҳунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди. Бу ўқув масканларининг ҳаммаси ҳозирги замон андозалари асосида жиҳозланди ва ўқув дарслик-қўлланмалари, малакали мутахассислар билан таъминланди.

Ўқувчи-ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида медаллар билан тақдирланаётгани, санъат ва мусиқа танловларида ғолиб чиқаётгани, ҳунармандчилик ва техник воситаларни тайёрлаш бўйича ихтиролар яратаётгани, нуфузли анжуманларда барчанинг диққатини қаратиб маърузалар қилаётгани, бу — юртимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг дастлабки самаралари, холос. Юртимизда дунё маърифатпарварлари томонидан эътироф қилинаётган таълим ислоҳотимиз жадал давом этаяпти. Демак, буюк аждодларимиз ворисси бўлган баркамол авлодларимиз ўзларининг теран ақл-заковати билан дунё аҳлини ҳали кўп ҳайратга солади.

**Асрор МЎМИН**

(Давоми. Боши 1-бетда)

СПОРТ



*Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтаётган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Вадим Меньков олтин медаль соҳиби бўлди.*

## ВАДИМ МЕНЬКОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Каноэда эшкак эшиш бўйича яккаликлар ўртасида 1000 метрлик беллашувларда ўзбекистонлик спортчи барча рақибларини ортда қолдирди. Ҳамюртимиз финал баҳсида маррага бир неча метр қолганида франциялик Матье Жубелдан ўзиб кетди. Учинчи ўрин германиялик Себастьян Бренделга насиб этди.

Вадим Меньков айни пайтда бир километрга каноэда эшкак бўйича дунёнинг энг кучли спортчиси сифатида жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турибди. У 2008 йилда жаҳон кубоги мусобақасида кучли учликдан жой олди. Истеъдодли спортчимиз Пекинда ўтказилган Олимпиада ўйинларида ҳам муносиб қатнашиб, 1000 метрга ўтказилган беллашувларда тўртинчи поғонани эгаллади ва осиёлик эшкак эшувчилар ўртасида энг юқори натижани қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августда эълон қилинган «Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига асосан Вадим Меньков «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Моҳир спортчимиз учун 2009 йилги спорт мавсуми жуда самарали бўлди. Таниқли мураббий Александр Пономарёв раҳбарлигида шуғулланаётган В.Меньков жаҳон кубогининг Рачице (Чехия) ва Познань (Польша), Сегед (Венгрия) шаҳарларида ўтказилган уч босқичида бир километрга эшкак эшиш бўйича битта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди ва жаҳон кубоги — 2009 мусобақасининг якка пешқадами бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Арманистоннинг Жермук шаҳрида ўтказилаётган Халқаро шоҳмот федерацияси (FIDE) тасаруфидаги Гран-при мусобақасининг 5-босқичида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов муваффақиятли қатнашаяпти.*

## РУСТАМ ПЕШҚАДАМЛИККА ИНТИЛМОҚДА

Маълумки, бу мусобақада жаҳоннинг энг кучли 14 гроссмейстери давравий тизимда баҳс олиб бораяпти. Дастлабки тўрт турда Қосимжонов рақиблари билан дурангга имзо чекди. У 5-турда мусобақа мезбони, арманистонлик таниқли гроссмейстер Левон Аронянни мағлубиятга учратган бўлса, 6-турда россиялик Эрнесто Инаркиевдан устун келди. 7-турда мусобақа пешқадамларидан бири украиналик Василий Иванчук билан дурангга келишди. Шундай қилиб, Қосимжонов 4,5 очко тўплаган ҳолда мусобақа жадвалида Иванчук билан 2-3-ўринлардан жой олган. Мусобақада 5 очко жамғарган венгриялик Петер Леко пешқадамлик қилаяпти.

Кеча Қосимжонов қора доналар билан россиялик Евгений Алексеевга қарши дона сурди.

SPORT

Қадр

***Намангандаги Мулла Қирғиз мадрасаси деб аталувчи ўзига хос миллий меъморчилик намунаси барпо этилганига 100 йил тўлди. Ўтган асрнинг 70-йилларгача бинога диний муассаса сифатида қараб келинди ва қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилди.***

## САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН ОБИДА

«Чорсу деҳқон бозори»нинг шундоққина ёнида жойлашгани учун бино омборхонага айланди. Нақшинкор кошинлар кўчиб, оҳорини йўқота борди. 35 йилча бурун бирров таъмирдан чиқарилиб Адабиёт музейига берилди.

Мулла Қирғиз бобонинг сармояси ҳисобидан уста Қирғиз бува томонидан тикланган асрий обида Мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйи арафасида алоҳида эътибор билан сайқаллантирилмоқда. Реставрация ишларини тўла ва сифатли уддалаш масъулиятини зиммасига олган «Комплекс Азам» МЧЖ таъмирчи-меъморлари обиданинг барпо этилиш тарихини обдон ўрганган ҳолда уни асл ҳолига қайтариш ишларига сидқидилдан ёндашишган.

— Бир донагина ғиштнинг кўчиши ҳам бинога путур етказади, — дейди меъморлар раҳбари Тоҳиржон Зарифбоев. — Афсуски, ўтган йилларда бинонинг пойдеворини ковлашган, қувур тортишган, деворларини чопиб, кошинларини синдиришган. Дарвозанинг яхши очилиб-ёпилиши учун равоқ болта билан чопилган. Ваҳоланки, равоқ устида бир неча тонна юк турибди.

Қаршида, Марғилонда, Қўқону Тошкентда таъмирчилик фаолияти билан ном қозонган жамият усталари ҳозиргача мавжуд 43 та ҳужрани тайёр ҳолга келтиришди. Минора ва гумбазларда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Бадиий Академия мусаввирлари томонидан иккинчи қаватдаги очиқ айвон санъаткорона безатилди.

Мезанада ёзилган оят-ҳадисларнинг кўчган жойларини бутлаш учун Тошкентдаги махсус устахонага буюртма берилди. Сопол кошинлар чиннидан тайёрланган қуйма шакллар билан алмаштирилди. Ҳовли саҳнидан зах ва шўр тупроқ қатлами тўла олиб ташланиб, ўн метр чуқурликда канализация қудуғи — тарнов ясалди.

«Нуроний» жамғармаси, «Намангандонмаҳсулот», «Электр тармоқлари», «Сувоқова» каби ташкилотлар кўмагида, Ғавсиддин Ғаниев, Неъматжон Ҳафизов каби донгдор меъморлар бошчилигида сайқал топаётган обидадаги таъмир ишлари Истиқлолимизнинг 18 йиллик байрами арафасида якунланади.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 июлда қабул қилинган фармойишига биноан, юртимизда август ойи ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинди. Мазкур тадбир доирасида 15-16 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.*

*Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳашар кунлари кўчалар, маҳаллалар, ўқув бинолари, талабалар турар жойлари тозаланди. Боғ-роғларни тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишлари бажарилди.*



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши партия фаоли, халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими

**Абдураҳмат БЎРИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Инсон ва қонун» газетаси жамоаси таҳририятнинг саҳифаловчи-дизайнери

**Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ**нинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида барча фермерларга, ёрдамчи хўжаликларга ҳамда шахсий чорва молларини боқувчилар ва бошқаларга чекланмаган миқдорда омихта ем етказиб берилишини маълум қилади.
Ҳисоб-китоб пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Маълумот учун манзил:
Тошкент шаҳри,
Ҳамза тумани,
Паҳлавон Маҳмуд кўчаси,
2-тор кўчаси, 33-уй.

Телефонлар:
289-62-03,
289-50-60,
289-67-10.



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7876 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 23.45
1 2 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda